ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, **ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН** УЧУН!

21-noyabr
2024-yil 47 (1 097)

O‘ZLIDEP

AXXRI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI

21asr.uz XXI_asr@mail.ru @XXIasr_yangiliklari XXIasrgazetasi asr_xabarlari_news Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlagan

Дарвоқе:

Президентимиз халқимизнинг фикр-мулоҳазалари, хоҳиш-истакларини атрофлича ўрганиб, билдирилган тавсиялардан келиб чиққан ҳолда, 2025 йилни юртимизда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилишни таклиф этди.



МУНОСАБАТ

O‘zLiDeP ЯНАДА ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОР БЎЛАДИ



Актам ХАИТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O‘zLiDeP фракцияси раҳбари

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг сайловдан кейинги биринчи мажлисида биз, депутатлар, яъни халқ сайлаган вакиллар олдида турган энг муҳим вазифалар хусусида сўз юритар экан, аввало, ютуқлар билан бирга эътиборимиздан четда қолаётган кўпгина муаммоли масалаларни ҳам санаб ўтди. Бу эса ўз фаолиятимизни бугунги шиддатли, ўзгараётган давр талаблари асосида қайтадан танқидий нуқтаи назар билан таҳлил қилиб, ҳаётга, сиёсий жараёнларга янада теранроқ қарашга ундаяпти.

Кейинги етти-саккиз йил ичида Ўзбекистон ички сиёсатида рўй берган катта ислоҳотлар, асосийси, халқимизни рози қилиш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар барчамизни қувонтирмоқда. Шу билан бирга, мамлакатимизнинг ташқи сиёсат бобида тутган ўрни ва нуфузи ҳам ошиб бормоқда. Сўнгги йилларда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа қатор минтақавий доираларда давлатимиз раҳбари ўзининг залворли ва асосли таклифлари билан фаол иштирок этгани ва бу тўла-тўкис қўллаб-қувватланаётгани эътиборга лойиқдир. Шу маънода жаҳон ҳамжамияти олдига қўйилаётган қатор йирик ва муҳим ташаббусларнинг асл моҳияти ва беқиёс аҳамияти, қадр-қимматини жамоатчиликка, сайловчиларга етказиш, тарғиб этишда халқ вакиллари фаоллик кўрсатишимиз лозимлигини таъкидлашни истардим.

Масалан, сўнгги 3 та халқаро тадбирда (Туркий давлатлар ташкилоти кенгаши мажлиси, Араб-ислом саммити, БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича конференцияси (COP29) Президентимиз томонидан 15 дан зиёд йирик ташаббуслар илгари сурилди. Мазкур таклифлар нафақат минтақа давлатлари лидерлари, балки халқаро ҳамжамиятнинг ривожланган давлатлари вакиллари томонидан ҳам маъқулланди.

Давлатимиз раҳбари парламент қуйи палатаси депутатлари ҳузурида қилган маърузасида қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилоти битимларига уйғунлаштириш бўйича парламент комиссиясини ташкил этишга доир жуда тўғри ва айни пайтда долзарб таклифни ўртага ташлади. Зотан, келгусида мамлакатимизнинг жаҳон савдо айланмаси занжирида фаол бўлиши ушбу ташкилотга аъзолик билан чамбарчас боғлиқ эканлигини мавжуд жараёнлар яққол кўрсатиб турибди. Қайд этиш жоизки, ўтган давр мобайнида ушбу ташкилот талабларидан келиб чиқиб, салкам 70 тага яқин қонунчилик ҳужжатлари уйғунлаштирилди. Интеллектуал мулк, реклама ва давлат божи билан боғлиқ бўлган миллий қонунчиликнинг қатор нормалари шулар жумласига киради. Лекин ҳали бу каби қадамларнинг ўзи етарли эмас, олдимизда янада жиддийроқ вазифалар турибди.

Бундан ташқари, юртимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар ҳар бир инсон, ҳар бир оила фаровонлигини оширишга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Уларнинг негизида турувчи ҳуқуқий асосларни ўз вақтида ва сифатли яратиб бериш парламентимиз зиммасидаги устувор вазифа ҳисобланади. Шу боис ҳозирданоқ пухта ўйланган беш йиллик дастур асосида янги қонунлар устида иш бошласак, халқимиз кутаётган ислоҳотлар муваффақиятига катта ҳисса қўшган бўламиз. Ўйлайманки, бу борада O‘zLiDeP фракцияси фаол, етакчи бўлади. Бунинг учун ҳукумат идоралари ва ҳудудлар билан яқиндан ишлашга, парламент назоратини чинакам таъсирчан институтга айлантиришга, сифатли қонунларни қабул қилишга алоҳида эътибор қаратамиз.

Депутатларимиз билан бирга янгича тизим асосида ишни ташкил этамиз. Шундагина Қонунчилик палатаси янада самарали, бугунги давр талабларига мос равишда халқимиз кутаётган ва астойдил ишонаётган ҳақиқий парламентга айланади.

2

ПАРЛАМЕНТ – ХАЛҚ УЙИ! ДЕПУТАТ ВА СЕНАТОРЛАР – ХАЛҚ ХИЗМАТЧИСИ!

Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, иқтисодий муносабатлари, халқаро алоқалари, қолаверса, одамларнинг кундалик турмуш тарзида парламент қанчалик муҳим аҳамиятга эгалиги хусусида узоқ гапириш шарт эмас. Чунки давлат бошқарувидаги дунёга маълум уч таянч – қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва назорат қилувчи ҳокимиятларнинг дастлабкиси айнан Олий Мажлисдир. Бошқача айтганда, ҳар қандай хатти-ҳаракат, барча ўзгаришу янгиланишлар, истиқболли ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосини яратиш, мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш парламентнинг энг муҳим вазифаси саналади. Бу эса Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Шунинг учун ҳам умумхалқ сайловида халқнинг ишончини қозонган, электоратнинг овозини олганларгина бундай шарафга муяссар бўлади.

3



“ҚЎЛБОЛА” ОРТИДА БАЛО БОР, ОФАТ БОР

Бу ягона ҳолатми? Яна қай бир ҳудудда, қанча миқдорда истеъмолга яроқсиз алкоголли маҳсулотлар тайёрланган, савдога чиқарилган бўлиши мумкин-ку! Бу ҳозирги кунда катта янгилик ҳам, сир ҳам эмас. Тизимли равишда давом этаётган даҳшатли фожиадир.

5

ИДРОКНИНГ ОҒИШ НУҚТАСИ

6

Ўзим гувоҳ бўлган воқеа: бозорда бир харидор сотувчи билан зўр бериб савдолашаётган эди. “Бор барака” чўзилиб кетганидан таъби тирриқ бўлган сотувчи “Намунча савдолашмасангиз, ўқитувчимисиз?!” деди пичинг ва кесатиқ оҳангида. Бир сескандим, ичимда нимадир узилгандек бўлди.



“XXI asr”
ijtimoiy-siyosiy gazetasi
БИЛАН БИРГА БЎЛИНГ!



Обуна индекси – 406.
Мурожаат учун телефон: 71 255 68 50.

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА БИРДАММИЗ



Шаҳноза ХОЛМАХМАТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Мамлакат фаровонлигини мукаммал қонунлар белгилайди

Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисида парламент фаолиятига холисона баҳо бериш орқали қатор долзарб муаммоларни кўрсатиб ўтди ва ўз навбатида уларга ечим излаш йўлларини ҳам атрофлича белгилаб берди. Айниқса, қабул қилинаётган қонунлар сифати, парламент назорати ва сайловчилар билан учрашувлар самарадорлигини янада ошириш зарурлигига эътибор қаратди.

Маълумки, қонун лойиҳаларини пухта ишлаб чиқиш, уларнинг ҳаётийлиги ва тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш жуда муҳим. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, мамлакат фаровонлигига бир марталик қарорлар билан эмас, фақатгина мукаммал қонунлар билан эришиш мумкин.

Албатта, бу жабҳада олдимизда катта вазифалар турибди. Биз – депутатлар ўз устимизда доимий ишлашимиз, билим ва малакамизни ошириб боришимиз зарур. Шундагина қабул қилинаётган қонунларнинг сифати ва самарадорлигини таъминлашга эришишимиз мумкин.

Шунингдек, қонунларни кодификация қилиш бўйича ҳам бир қатор вазифалар белгиланди. Сайловолди ташвиқоти даврида ҳам гувоҳи бўлдикки, 5 та сиёсий партия дастурларида муайян соҳани тартибга солувчи ҳужжатларни бирлаштириш ва тизимлаштириш орқали яхлит кодексларни қабул қилиш ташаббуслари илгари сурилди. Энди келгуси 5 йилда ушбу мақсадларга эришиш учун астойдил ҳаракат қилмоғимиз лозим.

Яна бир эътиборли жиҳати, Президентимизнинг парламент қўмиталари фаолиятига илмий таҳлил марказларини жалб қилиш ташаббуси ҳам ўта долзарб ва муҳимдир. “Ақл марказлари” қўмита муҳокамасига киритилаётган масалаларнинг илмий экспертизасини ўтказади, қонун лойиҳалари бўйича асосланган таклифлар беради.

Ўйлайманки, бу амалиёт парламент қарорларининг сифати ва асосланганлик даражасини оширади, қонунларнинг илмий ва амалий жиҳатдан пухта бўлишини таъминлайди. Шу билан бирга, илм-фан ютуқларининг қонун ижодкорлиги ва амалиётга жорий этилишига, илмий муассасалар билан парламент ҳамкорлиги мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари томонидан айтиб ўтилган яна бир муҳим ташаббус, яъни қўмиталар ҳузурида фуқаролик жамияти институтлари вакилларидан иборат жамоатчилик кенгашларини ташкил этишдир. Фуқаролик жамияти институтлари билан яқиндан ҳамкорликда ишлаш масаласи Қонунчилик палатаси кун тартибига биринчи маротаба чиқарилмоқда.

Жамоатчилик кенгашлари қўмита мажлисларида иштирок этиб, муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан фуқароларнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини етказади. Бу амалиёт қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилиш жараёнларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга, аҳоли манфаатларини инобатга олган ҳолда қарорлар қабул қилинишига хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг парламент фаолиятига оид тавсиялари қонун ижодкорлигини замон талаблари даражасига кўтаришга қаратилган муҳим дастуриламал бўлди.



Абдуманноп БЎРИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Сиёсий жараёнда сунъий интеллект ҳам қатнашади

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишидаги нутқида парламентнинг кейинги беш йилликдаги фаолиятида қонун ижодкорлиги жараёнига халқимизни кенг жалб қилиш, бунинг учун рақамли технологияларни жорий этишни алоҳида таъкидлаб ўтгани бежиз эмас.

Давлатимиз раҳбари “Қонунларнинг ягона манбаи ва муаллифи халқ бўлиши лозим”, дея қайд этган эди. Сўнгги йилларда муҳим қарорлар қабул қилишда фуқароларнинг иштирокини таъминлашга оид ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, “Mening fikrim” махсус веб-портали орқали Олий Мажлис палаталари, маҳаллий кенгашларга электрон жамоавий мурожаат қилиш тартиби жорий этилди. Шу билан бирга, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали “Regulation.gov.uz” ҳар бир фуқарога ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида қатнашиш имконини яратиб берди.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда юз мингдан кам бўлмаган фуқароларнинг қонунчилик таклифларини Қонунчилик палатасига киритиш ҳуқуқи мустаҳкамланган эди. Ривожланган хорижий давлатларнинг ушбу тажрибаси жуда катта демократик имкониятдир. Шу асосда халқимиз бевосита қонун ижодкори сифатида ташаббус кўрсатиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Энг муҳими, ушбу йиғилишдаги нутқида Президентимиз таъкидлаганидек, фуқароларнинг қонунчилик таклифларини қуйи палатага киритиш жараёни тўлиқ рақамлаштирилади, электрон овоз бериш имконияти яратилади ҳамда Қонунчилик палатаси ҳузурида Жамоавий ташаббуслар бўйича парламент комиссияси тузилади. Шунингдек, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш жараёнларига сунъий интеллектни жорий қилиш бошланади.

Ушбу янгиликлар эса ислоҳотларнинг ташаббускори сифатида халқимиз ўз келажаги, орзу-мақсадларини рўёбга чиқариши учун муҳим қарорлар қабул қилишда, жамиятдаги муаммоларга ўз вақтида ечим излашда тўғридан-тўғри иштирок этиши учун шароит яратади ҳамда қонунларнинг ҳаётий ва самарали бўлишини таъминлайди.



Наргиза САЛОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Энди сон эмас, натижадорлик муҳим

Президентимиз Қонунчилик палатаси фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича аниқ ва манзилли режаларни ўртага ташлади. Айниқса, қўмиталар сонининг мақбуллаштирилиши Президентимиз ташаббуси билан ўтказилаётган маъмурий ислоҳотларнинг Парламент фаолиятида акс этиши десак муболаға бўлмайди. Аслида қўмиталарнинг сони камайиши иш сифати тушиб кетади, дегани эмас. Аксинча, улар фаолиятида сонга эмас, натижадорликка эътибор ортади.

Парламентимиз тарихида илк бор Тадбиркорлик, рақобат ва саноат қўмитасининг ташкил этилиши ўз вақтида ва тўғри қабул қилинган қарор деб ҳисоблайман. Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, соғлом рақобат муҳитини яратиш Президентимиз томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири. Соҳада кўплаб ижобий ўзгаришлар рўй берди, хусусан, иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш юзасидан олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида ялпи ички маҳсулот ҳажми илк бор 100 миллиард доллардан ошди.

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ҳам сезиларли ишлар қилинмоқда. Шунингдек, Президентимизнинг тадбиркорлар билан очиқ мулоқотларида кўплаб муаммолар кўтарилиб, ўз ечимини топмоқда. Қайд этилган масалалар мутасадди идора ва ташкилотлар томонидан зарур ишлар олиб борилишини талаб этади. Бу ишлар устидан эса, албатта, самарали парламент назорати керак.

Демак, мазкур соҳада қуйи палата ва депутатлар назорати таъсирчанлигини ошириш зарурати бор. Янги ташкил этилаётган қўмитанинг фаолияти тадбиркорликни ривожлантириш, рақобат ва саноат соҳаларидаги қонунлар ижроси устидан парламент назоратини кучайтиришга хизмат қилади. Бундан ташқари, манзилли чора-тадбирларни сифатли амалга оширишга туртки бўлади. Бинобарин, иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилишида парламентнинг иштироки янада кенгаяди. Табиийки, бундай ўзгаришлар депутатларни ҳам ўз ваколатига асосланиб, жасур, талабчан ва қатъиятли бўлишга замин яратади.



Жасур ЖУМАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Халқимизнинг ислоҳотларга бўлган ишончи ортмоқда

Янги шаклланган Қонунчилик палатаси таркиби жамиятимиздаги сиёсий жараёнлар янги босқичга ўтганини яққол намоён этди. Сайлов натижаларига кўра, парламент таркиби деярли 60 фоизга янгиланди. Бу, аввало, халқимиз томонидан ислоҳотларга бўлган ишонч ва парламентнинг замонавий талабларга мувофиқ янгиланишига бўлган эҳтиёж мевасидир.

Президентимиз нутқида биз учун жуда муҳим бўлган йўналишлар белгилаб берилгани билан бирга, ҳар бир депутатга катта масъулият юклайдиган вазифалар ҳақида ҳам айтиб ўтилди.

Янги сайланган депутатлар таркибида турли соҳа вакиллари бор. Сиёсий партиялар томонидан номзодларни илгари суришда ушбу масала эътиборга олинган, албатта. Айни пайтда халқимиз ҳам муносиб номзодларни танлади.

Илм-фан соҳасига қаратилаётган катта эътибор ва илмий тадқиқот ишларини ривожлантириш борасидаги давлат сиёсатининг ҳам самараси янги таркибда ўз аксини кўрсатди. Сайланган депутатларнинг ҳар учинчиси илмий даражага эга эканини ҳам ижобий баҳолаш мумкин. Бу, ўз навбатида, давлат сиёсатини илмий асосда шакллантиришга ҳамда қонунларнинг илмий жиҳатдан тўғри ва самарали бўлишини таъминлашга ёрдам беради.

Эътиборли жиҳати шундаки, мамлакатимизда олиб борилаётган гендер сиёсатининг ижобий таъсири парламентда ҳам ўз аксини кўрсатди. Шунингдек, инклюзивлашиш борасидаги давлат сиёсатининг ҳам самараси сезилмасдан қолмади. Янги таркибда ногиронлиги бўлган шахсларнинг сайлангани ушбу фикримиз исботидир.

Янги шаклланган Қонунчилик палатаси мамлакатдаги барча қатламлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтиришга, халқимиз фаровонлиги ва мамлакат тараққиётига хизмат қилади.

Депутат жамият виждонига айланса...



Равшан ФОЗИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг янгиланган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисидаги нутқларини эшитгач, депутатлик мақоми, сайловчининг депутатга билдирган ишончи ва, албатта, халқ вакиллари зиммасига юклатилаётган вазифалар тасаввур қилганимдан ўн чандон масъулиятли эканига амин бўлдим.

Самимий руҳда ўтган йиғилишда илгари сурилган ғоя ва ташаббуслар, билдирилган фикр-мулоҳазалар жуда ўринли ва ўз вақтида айтилгани билан аҳамиятлидир. Шу боис минг-минглаб сайловчилар ишончини қозонган депутатлар томонидан мазкур таклифлар ўзига хос дастуриламал сифатида қабул қилинишига ҳеч қандай шубҳамиз йўқ.

Давлатимиз раҳбари маърузасида парламент ва депутатлар фаолиятига доир ҳеч бир масала четда қолмади. Жумладан, парламент назоратининг сиёсий институт эканидан тортиб, қуйи палатада ҳукумат аъзосининг ҳисоботини эшитишгача, олдинги чақириқ давридаги тор доирали парламент назоратидан энди кенг кўламли, сифатли назорат тизимига ўтиш зарурлигигача бирма-бир тўхталиб ўтилди.

Президентимиз ҳуқуқий маконни, ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштиришни энг долзарб масала сифатида эътироф этди.

Дарҳақиқат, Янги Ўзбекистонда парламентни чинакам халқ уйига, қуйи палатани эса ғоялар генераторига айлантиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Зеро, ҳақиқат ва адолат тамойиллари соғлом рақобат ва баҳс-мунозаралар майдонида дунёга келади. Бу эса партияларни сайловолди дастуридаги вазифалар билангина чекланиб қолмасликка, айнан сайловчи манфаатидан келиб чиқиб, янгиланиш ва ўзгаришлар қилишга ундайди. Зеро, парламентда партия фракцияларини қонунлар ёки ҳукумат қарорларини муҳокама қилишдаги тортишувлари миллат ва мамлакат манфаати йўлида конструктив тарзда кечиши, пировард мақсад юртимизни ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини ошириш, яъни одамларни рози қилишга хизмат қилиши лозим.

“Энг катта камчилик – вазирликлар қуйи бўғинда, айниқса, туман ва шаҳар даражасида самарали иш ташкил эта олмаяпти. Энди аҳоли билан бевосита мулоқот қилиб, одамларни қийнаётган муаммоларни жойида ҳал этиш улар учун бош вазифа бўлиши керак. Бундан буён ҳар бир раҳбар ва мутасадди фаолиятига айнан шу мезон асосида баҳо берилади. Талабга жавоб берадиган раҳбарлар ишлайди, бўлмаса, улар билан хайрлашамиз”, дея қайд этди давлат раҳбари ўз нутқида.

Ўз-ўзидан англашиладики, эндиликда депутатларимиз ҳам вакилатлари доирасида туман ва шаҳар даражасида сўров ва талабни ҳеч тортинмасдан кучайтиришлари лозим бўлади. Чунки халқимизнинг ўзи биздан ана шундай жонбозликни кутмоқда.

Мажлисда давлат раҳбари энди партия раислари билан улар истаган вақтда мулоқот қилишга тайёрлигини маълум қилди. Шунингдек, маҳаллий бюджетларга солиқларнинг кўпроқ фоизини қолдириш ҳақидаги таклифни ўртага ташлади. Бу эса депутатлар томонидан мамнунлик билан кутиб олинди. Гап шундаки, энди чинакамига сиёсий партиялар билан халқ ўртасида мустаҳкам кўприк ўрнатилади. Бу эса демократик жамиятда депутат халқ виждонига айланади, деганидир.

Эл меҳрини қозонишдан улуғроқ бахт йўқ



Шоира РАЖАБОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Ёшлигимдан депутат бўлишни, одамларни қийнаётган муаммоларга тез ва самарали ечим топишни орзу қилардим. Мана бугун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, деган юксак номга мушарраф бўлдим. Депутатлик фаолиятимга киришар эканман, одамлар ишончини оқлай оламанми, дея ўзимга савол беряпман. Ахир, бу халқ иши – катта масъулият. Залвори ҳам шунга яраша.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг сайловдан кейинги биринчи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, қонунчилик палатасининг сўнгги беш йилдаги фаолиятига ижобий баҳо берди. Шунингдек, эътибордан четда қолган айрим масалаларга ҳам тўхталиб ўтди. Қолаверса, йиғилишда янгидан сайланган депутатлар олдига бир қанча муҳим вазифалар қўйилди.

Йиғилишда давлат раҳбарининг ҳудудларнинг молиявий имкониятларини ошириш мақсадида келгуси йилдан ер, мол-мулк ва айланма солиқларини тўлиқ, даромад солиғининг эса камида 50 фоизини туман ва шаҳарнинг ўзида қолдириш таклифи жуда маъқул бўлди.

Шунингдек, ҳудудларда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ижроси юзасидан амалга ошириладиган ишлар олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир. Мазкур дастур шу йилнинг 1 ноябридан “Камбағал оилалар учун еттита имконият ва масъулият” тамойили асосида иш бошлаган бўлиб, 2024 йилнинг қолган даврида 500 минг, 2025 йилда 1 миллион нафар аҳолини камбағалликдан чиқаришни кўзда тутади.

Партиямизнинг “5 мақсад ва 500 вазифа” сайловолди дастури билан бирга “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини келгусидаги асосий вазифаларим сирасига киритдим.

ПАРЛАМЕНТ — ХАЛҚ УЙИ!
ДЕПУТАТ ВА СЕНАТОРЛАР — ХАЛҚ ХИЗМАТЧИСИ!

ПОЙТАХТИМИЗДА ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИНИНГ САЙЛОВДАН КЕЙИНГИ БИРИНЧИ МАЖЛИСЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ. УЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ **ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ** ИШТИРОК ЭТДИ ВА **НУТҚ СЎЗЛАДИ.**

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИ, ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРИ, ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРИ, ҚОЛАВЕРСА, ОДАМЛАРНИНГ КУНДАЛИК ТУРМУШ ТАРЗИДА ПАРЛАМЕНТ ҚАНЧАЛИК МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГАЛИГИ ХУСУСИДА УЗОҚ ГАПИРИШ ШАРТ ЭМАС. ЧУНКИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДАГИ ДУНЁГА МАЪЛУМ УЧ ТАЯНЧ – ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ, ИЖРО ЭТУВЧИ ВА НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ҲОКИМИЯТЛАРНИНГ ДАСТЛАБКИСИ АЙНАН ОЛИЙ МАЖЛИСДИР. БОШҚАЧА АЙТГАНДА, ҲАР ҚАНДАЙ ХАТТИ-ҲАРАКАТ, БАРЧА ЎЗГАРИШУ ЯНГИЛАНИШЛАР, ИСТИҚБОЛЛИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИНИ ЯРАТИШ, МУСТАҲКАМЛАШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ПАРЛАМЕНТНИНГ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАСИ САНАЛАДИ. БУ ЭСА ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ ВА СЕНАТ АЪЗОЛАРИ ЗИММАСИГА ЖУДА КАТТА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ УМУМХАЛҚ САЙЛОВИДА ХАЛҚНИНГ ИШОНЧИНИ ҚОЗОНГАН, ЭЛЕКТОРАТНИНГ ОВОЗИНИ ОЛГАНЛАРГИНА БУНДАЙ ШАРАФГА МУЯССАР БЎЛАДИ.



Қуйи палата: ғоялар генератори, соғлом рақобат, баҳс ва мунозаралар майдони

Яқинда бўлиб ўтган сайловлар натижасига кўра, Қонунчилик палатасига 150 нафар депутат сайланди. Уларнинг 57 нафари аёллар, 11 нафари 35 ёшгача бўлган йигит-қизлар бўлди. Умуман, бу йил қуйи палата таркиби қарийб 60 фоизга янгиланди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси учун устувор жиҳати шундаки, ана шу депутатлик ўринларининг 64 тасини O‘zLiDeРдан кўрсатилган номзодлар эгаллади. Ислоҳотлар муваффақияти учун масъулиятни зиммасига олган сиёсий куч илгари сурган таклиф ва ғоялар сайловчилар томонидан муносиб баҳоланганининг тасдиғидир бу.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси янги таркибининг биринчи мажлисида нутқ сўзлаган Президент Шавкат Мирзиёев парламент чинакам халқ уйи, унинг қуйи палатаси эса ғоялар генераторига, соғлом рақобат, баҳс ва мунозаралар майдонига айланиши кераклигини алоҳида таъкидлади.

Ўтган сайловларда сиёсий партияларнинг дастури ҳам, ғоялари ҳам бир-биридан фарқ қилди, турли сиёсий мафкуралар кураши яққол кўзга ташланиб турди. Хусусан, сайловлар жараёнида кўплаб дебатлар ташкил этилганини халқимиз ва халқаро кузатувчилар эътироф этди.

Сайловлардаги соғлом рақобат, мухолиф фикрлар кураши парламентга кўчиб ўтса, бу албатта халқ манфаатларига мос қонунлар ишлаб чиқилишига хизмат қилади.

– Президентимиз томонидан ўртага ташланган энг долзарб ва халқчил ташаббуслар, муҳим таклифлар, белгилаб берилган ҳаётий вазифаларнинг мазмун-моҳиятини сайловчиларимиз ва электоратимиз вакилларига етказишда янада фаолроқ бўлишимиз лозим, – дейди **O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Актам Хаитов.** – Зотан, ушбу нутқда эътиборимиздан четда қолаётган кўпгина масалаларга урғу берилди. Бу эса ўз фаолиятимизни тубдан қайта кўриб чиқишга катта туртки бўлади. Шу боис ҳозирданоқ пухта ўйланган беш йиллик дастур асосида янги қонунлар устида иш бошласак, халқимиз кутаётган ислоҳотлар муваффақиятига катта ҳисса қўшган бўламиз. Бунинг учун Ҳукумат идоралари ва ҳудудлар билан яқиндан ишлашга, парламент назоратини чинакам таъсирчан институтга айлантиришга, сифатли қонунларни қабул қилишга алоҳида эътибор қаратамиз. Депутатларимиз билан бирга янгича тизим асосида ишни ташкил этамиз. Шундагина парламентимиз янада самарали, талаб этилаётгандек ва халқимиз кутаётганидек натижалар бўлишига ишонаман.

Мажлис аввалида ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Сиёсий партиялар вакиллари кенгаши таклифига биноан депутатлар яширин овоз бериш йўли билан Нуриддин Исмоиловни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери этиб сайладилар.

Шундан сўнг Спикернинг ўринбосарлари сайланди. Бешта сиёсий партиянинг фракциялари рўйхатга олиниб, улар билан келишилган таклифларга мувофиқ Қонунчилик палатасида ўнта қўмита тузилди.

Диққатга сазовор томони – Спикер ўринбосарлари ва ўнта қўмитанинг аксарияти раислари этиб O‘zLiDeP депутатлари сайлангани бўлди. Бу эса партиямизга билдирилган ишончнинг яққол намунасидир.

Шавкат Мирзиёев бу йилги парламент сайлови янгиланган Конституциямизга мувофиқ ўтказилган илк сайлов сифатида тарихга кирганини, шунингдек, бу жараён биринчи марта аралаш сайлов тизимида ўтганини қайд этди.

Қуйи палатанинг сўнгги беш йилдаги фаолиятига назар солар эканмиз, бу даврда мамлакат Конституцияси тубдан янгиланганини, 130 дан ортиқ қонунлар қабул қилинганини кўришимиз мумкин. Бу аввалги чақириққа нисбатан 1,5 карра кўпдир.

Президент парламент эътиборидан четда қолиб кетаётган айрим масалаларга ҳам тўхталиб ўтди. Масалан, тўғридан-тўғри ишлайдиган ва аниқ ижро механизмларига эга қонунлар улуши камлигича қолмоқда. Депутатлик назорати институти имкониятларидан тўла фойдаланилмаяпти. Сайлов округларидаги учрашувлар эса шикоят ва саволларга жавоб бериш билан чекланаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Давлатимиз раҳбари Қонунчилик палатаси олдидаги устувор вазифалар ҳақида ўз фикрларини билдирди. Хусусан, фуқаролик жамияти институтлари билан мулоқотни кучайтириш мақсадида ҳар бир қўмита қошида жамоатчилик кенгашлари тузиш таклиф этилди.

Парламент қўмиталари вазирликлар билан ишлашда фақат назорат ва талаб этиш эмас, балки улар билан яқиндан ҳамкорлик қилиши муҳим. Партиявий ва фракциявий интизомни мустаҳкамлаш масаласи ҳам диққат марказида бўлиши керак.

Президент қонун ижодкорлиги, аввало, жамиятдаги долзарб масалалар ечимига қаратилиши кераклигини таъкидлаб, бу борада қатор ташаббусларни илгари сурди. Жумладан, эскирган уйлар ўрнида замонавий тураржойлар қуриш, фуқароларнинг уй-жойга йўналтирган маблағларини кафолатли ҳимоялаш, хусусий таълим ва электр энергетикаси соҳасида инвесторларни қўллаб-қувватлаш, мажбурий тиббий суғурта ва сунъий интеллектни қўллаш, капитал бозори, стартаплар соҳасидаги муносабатларнинг қонуний асосларини яратиш вазифаси қўйилди.

Янгиланган Конституциямизга кўра, давлат бюджети ижроси устидан назоратни амалга ошириш Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатига киради. Шу боис палатанинг бу борадаги ишини янада кучайтириш, жумладан, Ҳукуматнинг давлат бюджетига доир барча ҳисоботларини палатага фақат Бюджет кодексида белгиланган аудит хулосаси билан биргаликда киритиш амалиётига ўтиш кераклиги айтилди.

Давлатимиз раҳбари инвестиция дастурларини тайёрлашда депутатлар ҳам иштирок этадиган, уларнинг фикри инобатга олинадиган тизим яратиш зарурлигини таъкидлади. Бундан ташқари, ҳудудларнинг молиявий имкониятларини ошириш мақсадида келгуси йилдан ер, мол-мулк ва айланма солиқларини тўлиқ, даромад солиғининг эса камида 50 фоизини туман ва шаҳарнинг ўзида қолдириш мақсадга мувофиқ. Фуқароларнинг ташаббусларини фаол қўллаб-қувватлаш мақсадида Қонунчилик палатаси ҳузурида Жамоавий ташаббуслар бўйича парламент комиссияси ташкил этиш ҳақида фикр билдирилди.

– Депутат бу халқ хизматчиси, барчага ўрнак бўладиган, сиёсий билими ва онги юксак, ўз Ватанини чин дилдан севадиган инсондир, – деди Шавкат Мирзиёев. **– Оила, маҳалла ва бутун жамиятда тинчлик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, халқаро майдонда Ўзбекистон манфаатларини қатъий ҳимоя қилишда халқимиз, барчамиз аввало сизларга таянамиз.**

Мажлисда сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари ва депутатлар сўзга чиқди. Президентимиз улар билдирган фикрларни қўллаб-қувватлаб, депутатларни жонкуяр ва халқпарвар бўлишга ундади. Зеро, депутат халқнинг овозидир.

Юқори палата: ҳудудий вакиллик ва маҳаллий кенгашлар билан мулоқот

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, Олий Мажлис Сенати аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – 4 кишидан сайланди. Яна 9 нафар сенатор Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан тайинланди.

Сенатнинг дастлабки ялпи мажлисида нутқ сўзлаган Президент Шавкат Мирзиёев юқори палатанинг аввалги таркиби мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшганини алоҳида таъкидлади. Охирги беш йилда Сенат томонидан 106 марта ҳисоботлар эшитилган, ижро органларига 1 минг 300 та сўров киритилган. Парламентнинг халқаро майдондаги нуфузи ҳам сезиларли даражада ошган. Ўтган даврда хорижий давлатлар билан парламентлараро дўстлик гуруҳлари сони 26 тадан 73 тага етган.

Конституциявий ислоҳотлар натижасида Сенат таркиби ихчамлашиб, унинг аъзолари сони 100 нафардан 65 нафарга қисқарди. Айни вақтда сенаторларнинг ваколатлари ва масъулияти бир неча баробар ошди. Хусусан, юқори палатанинг парламент назорати ва бир қатор муҳим давлат органларини шакллантиришдаги иштироки сезиларли равишда кенгайтирилди. Сенатга ҳам қонунчилик таклифи киритиш ҳуқуқи берилди.

Президент бугун дунёдаги вазиятга йиғилганлар эътиборини қаратиб, тинчлик ва бирликнинг аҳамиятини таъкидлади.

– Мана шундай ғоят таҳликали вазиятда биз фақат кучли ирода, бирлик ва ҳамжиҳатлик, қаттиқ меҳнат билангина юртимизда тинчлик ва тараққиётни таъминлашга эриша оламиз, – деди Шавкат Мирзиёев. **– Ҳурматли сенаторларимиз, маҳаллий кенгашларга сайланган депутатларимиз ана шу ўткир ҳақиқатни, ўз зиммаларидаги улкан масъулиятни чуқур англаб иш олиб борадилар, деб ишонаман.**

Бу омиллар барчадан ўз ишини танқидий баҳолаб, уни бутунлай янгича ташкил этишни тақозо этмоқда. Шу муносабат билан мажлисда Сенат олдида турган долзарб вазифалар хусусида атрофлича сўз юритилди.

Биринчидан, қонунларни муҳокама қилишда янгича механизмларни жорий этиш зарур. Айниқса, қонун ижодкорлиги жараёнига маҳаллий кенгашларни кенг жалб этиш, ҳар бир қонун бўйича уларнинг фикрини олиш амалиётини йўлга қўйиш долзарб аҳамиятга эга. Энг муҳими, қонунларда ҳудудий ва умумдавлат манфаатлари уйғун бўлишига эришиш лозим.

Иккинчидан, маҳаллий кенгашлар фаолиятига ҳар томонлама кўмаклашиш Сенат фаолиятининг устувор йўналиши бўлиши керак. Маълумки, энди халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларига ҳокимлар эмас, балки депутатлар орасидан сайланган раислар бошчилик қилади. Шунингдек, кенгаш сўрови ва Кенгаш текшируви каби янги механизмлар орқали ҳудудий ижро органлари фаолияти устидан назорат кучайтирилади. 2026 йилдан бошлаб туман ва шаҳар кенгашларига ҳам ҳокимлар раислик қилмайди. Ушбу чора-тадбирлар мамлакатимизда давлат бошқарувини қуйи бўғинга тушириш, уларни аҳолига яқинлаштириш жараёнлари ортга қайтмас тус олганидан далолат беради.

Учинчидан, маҳаллий кенгашлар вазирлик ва идораларнинг қуйи бўғинлари, айниқса, туман ва шаҳар бўлинмалари билан жойларда янгича ёндашув асосида ишлаши талаб этилади. Туман ва шаҳарлар бюджети муносабатларида ҳам маҳаллий кенгашлар жуда катта ваколатларга эга. Бундан оқилона фойдаланиб, аҳолини қийнаётган масалаларни ҳал этиш, Сенат эса бу йўналишларда маҳаллий кенгашларга кўмаклашиб бориши зарур.

Тўртинчидан, янгиланган Конституциямизда Сенатга маҳаллий кенгашларнинг қарорлари қонунчиликка мувофиқ бўлишини таъминлаш бўйича катта масъулият юклатилган. Сенат бу борада очиқлик ва шаффофликни, қонунийликни таъминлаш бўйича самарали тизим яратиши керак.

Бешинчидан, Сенат қўмиталари – юқори палатанинг юраги, ҳаракатлантирувчи кучидир. Шу боис қўмиталардаги эшитув институти асосларини қонун даражасида мустаҳкамлаб қўйиш вақти келди.

Олтинчидан, камбағалликни қисқартириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги дастур ва режаларни тўлиқ рўёбга чиқаришда сенаторларнинг иштироки жуда муҳим.

Еттинчидан, коррупцияга қарши курашиш бўйича парламент назоратини, бутун жамиятимиз иштирокини янада кучайтириш зарур. Сенат аҳоли ва давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасизлик муҳитини шакллантириш, ёш авлод онгига қонунга ҳурмат, тўғрилик ва ҳалол меҳнат тушунчаларини сингдириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиши керак.

Саккизинчидан, Сенат томонидан Судьялар олий кенгашининг барча аъзоларини сайлаш тизими йўлга қўйилгани суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади. Бунда Сенат фақат номзодларни тасдиқлаш билан чекланмай, уларнинг фаолияти билан танишиб, хулоса бериш амалиётини йўлга қўйиш зарур.

Мажлисда ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди. Президент Шавкат Мирзиёев Конституциямизнинг 101-моддасига мувофиқ, Олий Мажлис Сенати Раиси лавозимига номзод тақдим қилди. Яширин овоз бериш орқали Олий Мажлис Сенати Раиси лавозимига Танзила Нарбаева сайланди. Шунингдек, Сенат Раисининг биринчи ўринбосари лавозимига Содиқ Сафоев, Сенат Раисининг ўринбосари лавозимига Аманбай Оринбаев сайланди.

Кун тартибига мувофиқ, Сенатда 7 та қўмита ва битта комиссия тузилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Ҳукумат парламент олдидаги ваколатларини зиммасидан соқит қилди

Шундай қилиб, 2024 йилнинг 27 октябрь куни ўтказилган парламент сайловларига мувофиқ, Олий Мажлис палаталари янги таркибда шакллантирилди. Ҳар икки палатанинг раҳбарлари сайланди, тегишли қўмита ва комиссиялари қайтадан тузилди.

Бу эса, Бош қомусимизга мувофиқ, амалдаги Ҳукумат аъзолари истеъфога чиқишини англатади. Зотан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасида Вазирлар Маҳкамаси Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиши белгиланган.

Шу муносабат билан жорий йилнинг 19 ноябрь куни Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига кўра амалдаги Ҳукумат янги сайланган Олий Мажлис олдида ваколатларини зиммасидан соқит қилди.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармонига асосан, амалдаги Вазирлар Маҳкамаси Ҳукумат фаолиятида узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш мақсадида янги таркибдаги Вазирлар Маҳкамаси шакллантирилгунига қадар ўз фаолиятини давом эттириб туриши маълум қилинди.

Бош вазир номзоди маъқулланди

Куни кеча, яъни 20 ноябрь куни Президент Шавкат Мирзиёев иштирокида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Кун тартибидан янгиланган Конституциямизга мувофиқ, илк бор қуйи палатада Бош вазир лавозимига номзод ва Ҳукуматнинг келгуси 5 йилга мўлжалланган ҳаракатлар дастурини кўриб чиқиш масалалари ўрин олди.

Мажлисда нутқ сўзлаган давлатимиз раҳбари мамлакатимиз ўз олдига қўйган стратегик ва жорий вазифаларни амалга оширишда барча бўғиндаги ижро органлари, аввало, Ҳукумат ва унинг раҳбари зиммасидаги масъулият ҳозирги мураккаб замонда ҳар қачонгидан ҳам ортиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Шу боис Ҳукумат ўз фаолиятини мутлақо янгича асосда ташкил этиши керак, бунинг учун унга кучли раҳбар, яъни Бош вазир зарур.

Президентимиз бу масалани атрофлича ўйлаб, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига Абдулла Нигматович Арипов номзодини кўрсатишга қарор қилганини айтди.

Абдулла Арипов катта ташкилотчилик салоҳиятига эга бўлган, ижро ҳокимияти тизимида бой билим ва тажриба орттирган, масъулиятни доимо чуқур ҳис этадиган раҳбар экани эътироф қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Бош вазир лавозимига кўрсатилган Абдулла Арипов номзодини кўриб чиқдилар. Номзод Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар дастурини тақдим этди.

Депутатлар ва фракциялар раҳбарлари сўзга чиқиб, номзод ва дастур юзасидан ўз фикрларини билдирдилар. Номзод ва Ҳукуматнинг дастури кўриб чиқилгач, Бош вазир лавозимига номзодни маъқуллаш масаласи овоз беришга қўйилди.

Яширин овоз бериш йўли билан депутатлар **Абдулла Ариповни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига маъқулладилар.**

Президентимиз сўзининг давомида бугун нафақат Ўзбекистон, балки дунёдаги кўплаб мамлакатлар иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатларини яққол ҳис қилаётганини қайд этди.

Ҳаво ва сувнинг ифлосланиши, тупроқ эрозияси, чўлланиш, қазилма ёқилғиларни беҳисоб ишлатиш глобал исишга, табиий офатларнинг кўпайишига олиб келмоқда, атроф-муҳит ва аҳоли соғлиғига зарар етказмоқда.

Бунга жавобан мамлакатимизда уч йил аввал “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси бошланган эди. Қўшни мамлакатлар билан биргаликда Минтақавий иқлим стратегиясини амалга оширишга киришилди. Пойтахтимизда Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришларини ўрганиш университети ташкил этилди. Шунингдек, Ўзбекистон БМТ томонидан бу борада қабул қилинган иккита муҳим резолюциянинг ташаббускори бўлди. Айни вақтда “яшил” энергетика иқтисодиётимиз драйверларидан бирига айланмоқда.

Халқимиз, кенг жамоатчиликнинг фикр-мулоҳазалари, хоҳиш-истакларини атрофлича ўрганиб, билдирилган тавсиялардан келиб чиққан ҳолда, бу борадаги ишларни янги, янада юксак босқичга кўтариш мақсадида Президентимиз **2025 йилни юртимизда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили”** деб эълон қилишни таклиф этди.

Ушбу ташаббус тўлиқ қўллаб-қувватланди.

Расмий хабарлар асосида тайёрланди.

“ИШБИЛАРМОН АЁЛ – 2024”

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

БЎШ ЎТИРМА, УМР ЎТАР

O‘zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши танловнинг ҳудудий республика босқичини “Magic City” истироҳат боғи Регистон майдонида ташкил қилди. Тадбир “Ваъда эмас, натижа, эртага эмас, бугун”, “Эркин ва фаровон, қудратли Янги Ўзбекистонни биргаликда қурамиз!” шиорлари остида ўтди.



Ҳар йилгидан фарқли ўлароқ, ўзгача тарзда старт олган танловнинг саралаш босқичлари маҳалладан бошланган эди. Фаоллар пойтахтдаги 585 та маҳаллага кириб бориб, у ерда хотин-қизлар, ишсизларни иш билан таъминлаб, фаолият юритаётган камтар тадбиркор аёлларни кашф этишди ва улар танловнинг туман босқичида иштирок этиш учун саралаб олинди. Туман босқичларида фахрли ўринларни эгаллаган 40 нафар ишбилармон ҳудудий республика босқичи ғолиблиги учун бу ерга таклиф этилди. Улар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларининг энг сараларидан кўргазма ташкил этиб, оммага ҳавола этишди. Бир томонда севимли санъаткорлар дилтортар куй-қўшиқлари билан кўнгилларни чоғ этиб туришди.

Кўргазмани ва иштирокчиларнинг фаолияти ҳақидаги маълумотларни синчковлик билан кўздан кечирган ҳайъат аъзолари нафақат ғолибаларни, балки “Замонавий ташаббускор аёл”, “Йилнинг мурувватли ишбилармон аёли”, “Энг ёш, фаол аёл тадбиркор”, “Инвестицияларни жалб қилишда ташаббус кўрсатган ишбилармон аёл”, “Энг шижоатли аёл” номинациялари эгаларини ҳам тақдирлашди.

Унга кўра, болалар кийимлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган “ИМДИ” ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Гулрух Абдужабборова 1-ўринга муносиб деб топилди. У уйларида ишсиз ўтирган аёлларни иш билан таъминлаб келмоқда, ҳозирда шундайлар сони 20 га етибди. Бир кунда 100 дан ортиқ маҳсулотларини кичкинтойларга етиб бораётган экан.

2-ўринга эса “Suzani by Kasimbaeva” бренди остида фаолият юритаётган Мадина Қосимбоева лойиқ кўрилди. Мадинанинг шогирдлари мингдан ортиқ. Маҳаллий бозорларимиз ва айрим хорижий давлатларга 47 нафар ишчиси билан тиккан миллий либослар, сумка, сочиқ ва дастурхонлари етказиб берилмоқда. Ногиронлиги бўлган аёллар ҳам унинг эътиборидан четда қолмаяпти. Улар хонадонларида туриб, фойдали меҳнат билан шуғулланиб, даромад топишларига кўмаклашиш учун керакли хомашёлар етказиб берилади.

3-ўрин соҳибаси ҳам ҳамкасбларидан қолишмайди: 40 дан ортиқ ҳамшаҳарини иш билан банд этган Матлуба Азизова аҳоли саломатлиги учун ўз ҳиссасини қўшишга бел боғлаган. Ўз таъсисчилиги остида “Al sage pharm” бренди билан доривор ўсимликлардан шифобахш витаминлар тайёрлаб, аҳоли саломатлигини сақлашда ҳисса қўшмоқда.

Тадбир сўнггида ғолиблар ва фаол хотин-қизларнинг меҳнатлари муносиб тақдирланди, партиянинг қимматбаҳо ва эсдалик совғалари топширилди.

O‘zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши матбуот хизмати

НАВОИЙ



ЎЗИНИ ЭМАС, ЎЗГАЛАРНИ ЎЙЛАГАН АЁЛЛАР

Навоий шаҳридаги Ёшлар марказида O‘zLiDeP вилоят кенгаши томонидан “Ҳар бир аёл эъзозда” шиори остида “Ишбилармон аёл” кўрик-танловининг ҳудудий республика босқичи бўлиб ўтди.

Мамлакатнинг етакчи партияси томонидан ҳар йили анъанавий равишда ўтказилиб келинаётган танловнинг бу йилги босқичи аввалгиларидан тубдан фарқ қилди. Дастлабки саралаш беллашуви маҳаллаларда ташкил этилди. Вилоятдаги 11 та шаҳар ва туман босқичларида биринчиликни қўлга киритганлар мутлақ ғолиблик учун курашдилар.

Ҳакамлар ҳайъати кўрик-танлов иштирокчилари фаолиятига баҳо беришда уларнинг билим даражаси, маҳсулотларининг экспортга йўналтирилгани ёки импорт ўрнини боса олиши, аҳоли бандлигини таъминлашдаги ҳиссаси, “Аёллар дафтари”да рўйхатда турувчи хотин-қизларни касбга қайта ўқитиш борасида амалга ошираётган ишлари, шунингдек, партия томонидан ўтказилган семинар ва ўқувлардаги фаол иштирокига ҳам эътибор қаратди.

Ана шу мезонларга биноан танлов якунида Навоий шаҳридаги “Барака нон” оилавий корхонаси раҳбари Шаҳноза Каримова фахрли 1-ўринга, Навбаҳор туманидаги “Dress making” хусусий корхонаси раҳбари Зебо Қаландарова 2-ўринга ва Нурота туманидаги “Munira new brend” МЧЖ раҳбари Мунира Худойқулова эса 3-ўринга муносиб кўрилди.

O‘zLiDeP Навоий вилоят кенгаши матбуот хизмати

СУРХОНДАРЁ

БАРЧА МАҲСУЛОТЛАР ЭКСПОРТБОП

“Ишбилармон аёл” кўрик-танлови юртимиз тараққиётига, халқ фаровонлигига фаол ҳисса қўшаётган, изланувчан, серғайрат тадбиркор ва фермер аёлларни кашф қилиш ва рағбатлантириш, уларнинг фаолиятини, илғор иш тажрибасини оммалаштириш мақсадида ўтказиб келинмоқда.



O‘zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши томонидан ташкил қилинган танловнинг ҳудудий республика босқичида туман-шаҳар босқичи ғолиблари иштирок этди.

– Шеробод туманида кичкина тикув цехи очганман. У ерда 20 нафар хотин-қиз миллий либослар тикади, қўғирчоқлар ясайди, пайпоқ ишлаб чиқаради. Маҳсулотларимизни барча вилоятларга тарқатамиз, – дейди ишбилармон Мафтуна Азизова.

Танлов жараёнида иштирокчилар кўплаб иш ўринлари яратишгани, ишлаб чиқараётган маҳсулотлари импорт ўрнини босаётгани баробарида экспортга ҳам йўналтирилаётгани, хизматлар сифати ошаётгани, фаолиятга инновацион ғояларни татбиқ этилаётгани маълум бўлди. Бу жиҳатлар, албатта, ҳакамлар ҳайъати томонидан алоҳида эътиборга олинди. Зеро, бугунги замонавий тадбиркорлик ана шундай мезонларга асосланган бўлсагина одимлайди, юрт тараққиётига хизмат қилади. Давлатимиз томонидан яратилаётган имтиёз ва қулайликлардан асосий мақсад ҳам шу аслида.

Натижаларга биноан, 1-ўринга бойсунлик тадбиркор, “Асила терма гиламлари” оилавий корхонаси раҳбари Мафтуна Азизова, 2-ўринга Музработ туманидаги “Ўтаганова Ойжамол агро класс” фермер хўжалиги раҳбари Ойжамол Ўтаганова, 3-ўринга Бандихон туманидаги “Сарвинозхон ва Саломатхон” аёллар ва болаларни соғломлаштириш маркази оилавий корхонаси раҳбари Нодира Ёдгорова муносиб деб топилди.

Меҳнатнинг мукофоти рағбатсиз қолмаганидек, фаол тадбиркорлар шоҳсупага кўтарилиб, ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлишди.

O‘zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот хизмати

АНДИЖОН

ҚЎЛИДА ГУЛИ ҲАМ БОР, ПУЛИ ҲАМ...

“Ишбилармон аёл” кўрик-танловининг ҳудудий республика босқичи Андижон шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономаркази-да бўлди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига қайта сайланган Одинахон Отахонова, партия вилоят кенгаши раиси, сенатор Ўктамжон Ахунов, аппарат раҳбари Ҳожимуҳаммад Ҳасанхонов, тадбиркорлар, партия фаоллари ва ОАВ вакиллари иштирок этди. Кўрик-танлов доирасида вилоятда фаолият юритаётган салоҳиятли фермер, тадбиркор ва ишбилармон аёллар раҳбарлигидаги корхоналар маҳсулотлари намойиш этилган кўргазма тақдимоти ҳам ўтказилди.



Натижаларга кўра, Асака туманидаги “Мўйдинова Одинахон” фермер хўжалиги раҳбари Одинахон Мўйдинова мутлақ ғолибликни қўлга киритди. 2-ўринга Олтинкўл туманидаги “Кўҳна водий гавҳари” фермер хўжалиги раҳбари Умидахон Эгамова, 3-ўринга Булоқбоши туманидаги “Ширмонбулоқ фахри” фермер хўжалиги раҳбари Муборакхон Исроилова лойиқ деб топилди.

Шунингдек, турли номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

O‘zLiDeP Андижон вилоят кенгаши матбуот хизмати

МУЛОҚОТ

ЁШЛАР – БИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ҚАНОТИМИЗ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташкил топганининг 21 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон миллий университети Жиззах филиалида “Юксак мақсадлар рўёби – O‘zLiDeP билан” мавзусида очиқ мулоқот ташкил этилди.

Партия фахрийлари ва фаоллари, маҳаллий кенгашлар депутатлари, профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар иштирок этган тадбирда 21 йил олдин янги сиёсий кучни ташкил этишга бўлган зарурият, ўтган вақт давомида амалга оширилган ишлар ва келгуси режалар ҳақида сўз юритилди.

Тадбир ташкилотчилари учрашув бежиз ушбу дорилфунунда ўтказилмаётганига изоҳ беришди. Чунки бугунги кунда O‘zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши таркибида 1 253 та БПТ бўлиб, 138 402 нафар маслакдошни бирлаштирган. Уларнинг 63 112 нафари эса айнан ёшлардир. Модомики, партия фаоллари орасида талабаларнинг алоҳида ўрни бор. Кўпчилиги истиқболли лойиҳалар иштирокчилари ҳисобланади.

Мулоқотда таъкидланганидек, O‘zLiDeP ўтган йиллар давомида босқичма-босқич шаклланиб, кундан-кунга халқимиз орасида нуфузи ортиб бормоқда. Сўзга чиққан фахрийлар сиёсий кучни ташкил этиш ва шакллантириш жараёнида фидойилик кўрсатганларни ҳам тилга олиб ўтишди.

Эл ардоғидаги Ўзбекистон Қаҳрамонлари – Парда Зиётов, Анорбой Эшматов, вилоят партия ташкилоти раиси Эркин Холматов, “Нуроний”лар жамоатчилик кенгаши раиси вазифасида фаолият олиб бораётган Норқул Нушаров, Касаба уюшмалари бирлашмаси Жиззах вилоят кенгаши раиси Нусратулла Пардаев ва бошқа ўнлаб, юзлаб ҳамфикр маслакдошларимиз шу партия фаолларидир.

– 2003 йил 15 ноябрь куни бўлиб ўтган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг тарихий биринчи съездида Жиззах вилоятидаги ёшлар номидан делегат сифатида қатнашганман, – дейди Халқ депутатлари Шароф Рашидов туман кенгаши депутати Нигора Асқарова. – Ўша пайтдаги “Ёшлар қаноти” аъзолари бугун воҳамизда обрў-эътиборли инсонларга айланди. Улар қаторида Комилжон Абдусатторов, Сайёра Ҳамроқулова, Муҳаббат Адилова ва бошқаларни санаб ўтишим мумкин.



Очиқ мулоқот давомида ёшларга яқинда парламент ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига бўлиб ўтган сайловлар натижалари, партиянинг янги сайловолди дастуридан ўрин олган 5 мақсад ва 500 вазифа асосида ишлаб чиқилган “Йўл харитаси” ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди.

O‘zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши матбуот хизмати

O‘zLiDeP ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

O‘zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши ва Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳларининг кенгайтирилган қўшма мажлиси бўлиб ўтди.



ТАДБИРКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ОРҚАЛИ КАМБАҒАЛЛИККА БАРҲАМ БЕРИЛАДИ



Кенгаш раиси Эркин Холматов эндиликдаги мақсад Янги Ўзбекистонни барпо этиш, инсон қадрини улуғлаш билан боғлиқ кенг кўламли ислоҳотларнинг бардавом бўлишини таъминлашдан иборат эканлигини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда партия вилоят кенгаши ва депутатлик гуруҳлари олдида турган муҳим вазифалар белгилаб олинди. Қайд этилганидек, маҳаллалардаги муаммоларни ҳал қилишда фаол иштирок этиш, қонунларнинг амалиётда сўзсиз ва тўлиқ ижро этилишини таъминлаш давр талабидир. Шунингдек, аҳоли, айниқса, ёшларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишга қаратилган партиявий лойиҳалар доирасидаги туркум тадбирларни амалга ошириш ҳам жиддий жараён. Айниқса, камбағалликни қисқартириш бўйича эҳтиёжманд оилалар, аёллар ва ёшларнинг муаммоли масалаларини ҳал этиш, уларни хусусий ва оилавий тадбиркорликка жалб этиш орқали бандлигини таъминлаш ишларини давом эттириш лозим.

Сиёсий фаолият давомида ОАВнинг роли ва ўрни беқиёс бўлиши шубҳасиз. Шу маънода йиғилишда мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларига тааллуқли долзарб мавзуларни кенг жамоатчилик эътиборига олиб чиқиш ва уларга ечим топишда яқиндан кўмакдош бўлаётган партиянинг бош нашри – “XXI аср” газетасини янада оммалаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Қўшма мажлисда халқ ноиблари томонидан ислоҳотларнинг янги босқичида барча имкониятларни, орттирилган тажрибани белгиланган мақсад ва режаларни рўёбга чиқариш учун сафарбар этишга келишиб олинди.

O‘zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши матбуот хизмати

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КАДРЛАРИ: ЁШ ВА ИҚТИДОРЛИ МУТАХАССИСЛАР ИШОНЧНИ ОҚЛАЙДИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташкил этилганидан буён ўтган даврда ёш мутахассислар ва иқтидорли кадрларнинг масъул лавозимларга тавсия этишга катта эътибор қаратиб келмоқда. Энг аввало, бизнес эгалари ва мулкдорлар манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида майдонга чиққан O‘zliDeP кейинги йилларда фаолият доирасини анча кенгайтирди. Интеллектуал мулк, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларга оид кўплаб лойиҳаларни амалга оширди.



Муроджон Маъдиев партиянинг ана шундай тадбирларида кашф этилган, десак муболаға бўлмайди. Мамлакатимиз аҳолисининг эртаси ва фаровонлиги йўлида сидқидилдан ҳалол хизмат қилаётган ёш, фаол ташаббускор йигитнинг хайрли ишлари бошқалар учун ибратдир.

Юксак иқтисодий салоҳиятини намоён этиш билан бирга сиёсий фаолиятини замон талаблари даражасида ташкил қилиш, кутилмаган тўсиқларни метин ирода, заҳматли меҳнат, тинимсиз изланишлар орқали енгишнинг ўзи бўлмайди.

У ўз иш фаолиятини 2015 йилда “ERIELL GmbH”да моддий-техник таъминот бўлимининг етакчи мутахассиси сифатида бошлаган эди. Кейинчалик эса “EDGE SERVICE” МЧЖ раҳбари, “QORABAYIR ASL CHORVA FX” раиси, “KOSON CAPITAL INVEST” масъулияти чекланган жамият раҳбари бўлди. 2023 йилнинг март ойидан бошлаб эса “GISSARNEFTGAZ” Ўзбекистон – Швейцария қўшма корхонаси бош директори сифатида кўпчиликка манзур бўлаётир.

Мазкур корхона газ, нефть ва газоконденсат маҳсулотларини қазиб олиш билан шуғулланади. Айни пайтда бу ерда 550 нафар муҳандис-техник ходимлар, ишчи-хизматчиларнинг бандлиги таъминланган.

Муроджон қўшма корхонага раҳбар бўлиб келганидан сўнг билимдон ва малакали мутахассислар ишга олинди. Натижада қўшма корхонанинг молиявий аҳволи яхшиланиб, солиқ тушумлари кўпайтирилди. Ишчи-ходимларнинг ойлик маошлари сезиларли даража оширилди. Ўтган йил апрелда 3 та газоконденсат, 3 та нефть кони бор эди. Август ойида Тандирча инвестицион блоки лицензияси олинди. Алачағи қудуғида бурғулаш ишлари бошланди. Бурғулаш дастгоҳлари қайта тикланди. Корхонага қарашли мукаммал таъмирлаш учун мўлжалланган дастгоҳлар модернизация қилиниб, ишга туширилди. Автотранспорт цехидаги махсус транспорт воситалари 30 фоиздан 70 фоизга кўтарилди. Корхона иқтисодий, ишлаб чиқариш фаолиятига оид ҳужжатлар, маълумот алмашиш ишлари рақамлаштирилди. Корхона томонидан қазиб чиқарилаётган углеводород маҳсулотлари илгари тўғридан-тўғри сотилган бўлса, бугунги кунда уларни шартнома асосида қайта ишловчи корхоналарга жўнатиб, юқори рентабелли маҳсулотлар тайёрланиб, биржа орқали халқ истеъмолига сотиш эвазига корхонанинг иқтисодий ҳолати ой сайин яхшиланяпти.

Мурод Маъдиев ватанга садоқатли, замон билан ҳамнафас фикрлай оладиган, иқтисодиёт асосларини чуқур эгаллаган, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб моҳиятини теран англайдиган, ўзига талабчан, қобилиятли, интизомли, хизмат вазифасига масъулият билан ёндашадиган билимдон мутахассисдир. У қаерда ишламасин, ўзининг тўғрисўзлиги, жамоадошларига ва яқинларига меҳрибонлиги, янгиликка интилувчанлиги ва ташкилотчилиги билан бошқаларга ўрнак бўлиб келмоқда.

Вилоят иқтисодини юксалтириш, нефть-газ саноатини ривожлантириш, маҳаллий ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш, малакали кадрлар тайёрлаш борасида унинг хизматлари беқиёс. Нафақат малакали иқтисодчи, балки билимдон сиёсатчи сифатида ҳам жамоа ўртасида ҳурмат-эътибор қозонган. У O‘zLiDePдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси сифатида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги янгиликлар, ислоҳотлар моҳиятини ёшларга етказишда жонкуярлик қилмоқда.

Партиянинг дастурий мақсадларини кенг тарғиб қилиш баробарида тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини янада яхшилаш борасида амалий таклифлар билан чиқмоқда.

Маслакдошимиз инсон тинмай изланса, ўз қобилияти, меҳнатсеварлигини ишга солса яхши яшайди, юрт равнақи, миллат фаровонлигига ҳисса қўшиб, бахтли келажагини ўзи қура олади, деган ҳақиқатни исботлаб, ташаббускорлиги, ташкилотчилиги билан эл-юрт орасида обрў-эътибор топиб келаётган фаол ёшлардан саналади.

Инсон ҳаётда доим янгиликлар сари интилиб яшаши керак. Муроджон иқтисодий, сиёсий билимларини муттасил ошириб бораётгани боис воҳада тадбиркорликни ривожлантириш, замонавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасида қатор ибратли ишларнинг ташаббускори сифатида одамларнинг ишончини қозона олди. У Косон туман кенгаши депутати сифатида сайловчилар билан муттасил учрашиб, уларни қийнаб келаётган муаммоларнинг мақбул ечимларини топишга ҳаракат қилди. Аҳолининг бандлиги, турмуш шароити билан яқиндан танишиб, камчиликларни бартараф этиш учун бор билим ва тажрибасини аямади.

Ўтган беш йил мобайнида ўзи сайланган ҳудуд аҳолисининг дарду ташвишлари, муаммолари, орзу-ўйларини яхши билган ҳолда, уларнинг ҳаётини янада гўзаллаштириш, Янги Ўзбекистонимизнинг нурли истиқболи йўлида самарали фаолият юрита олди. Ҳар бир фуқаронинг турмуш даражасини ва фаровонлигини янада юксалтириш бўйича аниқ масалаларни ҳал этиш борасида тинимсиз изланиб, сайловчилар ишончини қозонди. Шу боис ҳудуд аҳолиси уни бу йилга сайловда ҳам қўллаб-қувватлаб овоз берди.

Сайфулла ИКРОМОВ, “XXI asr” мухбири

ОЙНА

“ҚЎЛБОЛА” ОРТИДА БАЛО БОР, ОФАТ БОР

“Ўзбекистон-24” телеканали орқали яқинда ёйинланган лавҳани кўриб ҳайратдан кўра кўпроқ ташвишга тушдим: *“...Ноқонуний ичимликлар ишлаб чиқарувчи яширин цехларни аниқлаш ва яроқсиз алкоголли маҳсулотлар сотилишининг олдини олиш борасида бош прокуратура ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан тезкор қидирув ишлари олиб борилмоқда”,* **дейилади лавҳада ва Хоразмда ўтказилган навбатдаги тадбирда Урганч ва Қўшкўпир туманларида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларида савдо дўконларига тарқатиш учун сақлаб қўйилган 27 турдаги 145 минг 977 дона истеъмолга яроқсиз спиртли ичимликлар аниқлангани айтилади. Бу маҳсулотларнинг умумий қиймати 4,2 миллиард сўмдан ортиқроқ экан.**

Ўша истеъмолга яроқсиз алкоголь маҳсулотларига Тошкентдаги қайсидир бир ароқ заводидан акциз марка ҳам олинган. Яъни, ҳаммаси рисоладагидек. Қоғозда “қонуний!”

Яхшиямки, департамент ходимларининг ҳушёрлиги боис жуда катта ҳажмдаги қўлбола ароқнинг тарқалиб кетиши олди олиниб, мусодара қилинган. Бу яроқсиз маҳсулотлар йўқ қилиб ташланади ва айбдорлар тегишли тартибда жазо олади *(аслида 4,2 миллиард сўм зарар кўрганининг ўзи яхшигина жазо тадбиркор учун).*

Аммо... Бу ягона ҳолатми? Яна қай бир ҳудудда, қанча миқдорда истеъмолга яроқсиз алкоголли маҳсулотлар тайёрланган, савдога чиқарилган бўлиши мумкин-ку! Ва минг-минглаб одамларнинг томоғидан ўтиб ҳам кетган? Бу ҳозирги кунда катта янгилик ҳам, сир ҳам эмас. Тизимли равишда давом этаётган даҳшатли фожиадир.

Афсуски, бу ҳақиқат!

Эл ичида юрамиз, кунда-кунора тўй-томошаларда қатнашамиз. Дастурхонга турли ўлчам ва кўринишдаги спиртли ичимликлар тортилади. Айрим давраларда танлаб, “тоза”сини ичадиган “диди нозик ароқхўрлар” ҳали қопқоғи очилганиданоқ қўлбола ёки ҳақиқий эканлигини тарқаладиган ҳидидан билади ва ичмаслик учун турли баҳона ўйлаб топади: “Рулдаман”, “Даволаняпман, иложим йўқ” ва ҳакозо. Шундайлар ёнидаги танишини шивирлаб огоҳлантиради: “Ичма, ясама ароқ экан, дихлофоснинг ҳиди бурқсиб ётибди...”.

Кўп кузатганмиз: тўй бошлаб қўйган одам ичимликка пули камлик қилгани учун кўпинча арзон ароқ излайди. Арзони эса ҳамиша топилади. Туманлар марказида алкоголли ичимликлар савдоси билан шуғулланадиган айрим тадбиркорлар баъзида очиқ, баъзида ишончли танишлар ўртага қўйилса, исталганча топиб беради. Сохта ароқ ҳақиқатда ҳам махсус дўконларда сотиладиганидан деярли икки ҳисса арзон бўлади. Сифати ҳам шунга яраша, қуввати 40 эмас, 28-30 даража атрофида. Айримлар кейин ёзғириб юради: “Ясама экан, икки киши уч шишани ичсак ҳам маст бўлмадик...”.

Буям майли, кўпгина қўлбола ароқлар техник спиртдан тайёрланиши, унга қуввати ва маст қилиш хусусиятини ошириш учун дихлофос (ҳашаротларни ўлдирадиган кимёвий восита)дан маълум миқдорда қўшилишидан кўз юмиб бўлмайди. Ҳатто спиртга қора чой аралаштириб, рангини ўзгартириб, қўлбола коньяк ясашларига ҳам кўп бора гувоҳ бўлганмиз.

Қўлбола ароқ ясашни касбга айлантирган “тадбиркор”лар бозорда талаб ва эҳтиёжни яхши билади. Ўз маҳсулотларини ичувчилар орасида машҳур бўлган янги ном ва янгича ўлчамдаги идишларда ишлаб чиқаради *(“Ўзбекистон-24” телеканалидаги лавҳада 27 турдаги алкоголь маҳсулотлари ҳақида гап боргани бежиз эмас).*

Афсуски, шундай замонларга етиб келдикки, баъзида “Фалончи тўйда кўпроқ ичиб кўчада йиқилиб қолибди”, деган хабарлар қулоғимизга чалинади. Йиқилса... туриб кетар, аммо айнан қўлбола ароқ жисмини кемирган бандаларнинг қанчаси ажалидан беш кун олдин ўлиб кетаётганига ҳам гувоҳмиз.

Ёруғ дунёда етти мучал яшаб қўйган амаким кўп такрорлайдиган гапни айтиб юраман: “Тадбиркор деганида инсоф бўлмаса қийин. Майли, сифатсиз кийим-кечак тикиб сотсин, бир мавсумда тўзиб кетар. Майли, ясаган ускунаси умри узоққа бормасин, аммо инсон истеъмол қиладиган маҳсулотларни сифатсиз, яна денг соғлиққа зарар етказадиган қилиб чиқармаслиги керак”.

Нима демоқчимиз?

Истеъмолга яроқсиз спиртли ичимликлар тайёрлаш озми-кўпми давом этаётган, бунинг орқасидан мўмай пул ишлашни орзу қилган сохта тадбиркорлар бор экан, муаммога фақат “мусодара қилиш, яроқсиз маҳсулотларни йўқ қилиб ташлаш, жарима ёки бошқа турдаги жазоларни қўллаш” билан ечим топиш қийин. Бугун миллиард сўмлик истеъмолга яроқсиз маҳсулоти мусодара қилинган тадбиркор эртага шу йўқотиш ўрнини қоплаш учун янада кўпроқ (ва янада сифатсизроқ) маҳсулот ишлаб чиқармайди, деб ким кафолат беради? Ҳеч ким!

Яна бир хавфли ҳолат шуки, орамизда ўз боғида етиштирган узум ва бошқа мевалардан турли қўлбола вино (шароб) ёки ясама ускунада “самогон” қайнатадиган шахслар ҳам борлиги, улар бу маҳсулотларни ўзлари истеъмол қилиш учун тайёрлашгани билан мақтаниб юрганини эшитиб қоламиз. Бу ҳам аслида ўта хатарли ишдир. Чунки улар ўз оила аъзоларидан



ташқари қўни-қўшни, меҳмонлар саломатлигини ҳам издан чиқариши мумкин.

Юқоридаги ҳолатда гап яширин цех ҳақида бормоқда. Аввало, “яширин цех” ибораси ноўрин эмасми? Чунки оилавий корхонада ишлаб чиқарилган-ку бу яроқсиз маҳсулотлар. Уларни бир киши эмас, қанча ишчи тайёрлаган. Ўртада яна қанча мўмайгина даромад топадиган воситачи, сотувчилар бор. Демак, бу корхона яширинча эмас, қонунга хилоф тарзда ошкора фаолият юритмоқда!?

Хоразмда департамент ходимлари ҳушёр турмаганида, аниқки, ўша қўлбола ароқлар савдо дўконларига чиқиб кетар эди-да! Ҳақли савол туғилади: хўш, ишлаб чиқарувчидан шунча миқдорда арзон спиртли ичимлик олаётган дўкондор бу маҳсулотнинг яширин цехда тайёрланганини билмайдими? Беш қўлдай билади, албатта! Ишлаб чиқарувчи ҳам, сотувчи ҳам охири аянчли тугайдиган жиноят иштирокчиси эмасми?

Амалдаги қонунларда спиртли ичимликларни махсус рухсатномасиз сотганларга катта миқдорда жарима жазоси белгиланган. Ана энди инсон соғлиги учун зарарли бўлган қўлбола маҳсулотни сотган шахснинг жавобгарлиги масаласи икки баравар оғирроқ бўлишини ҳам унутмайлик.

Демак, инсон саломатлиги, айниқса, ёшларимизнинг руҳи ва жисмини заҳарлаётган бу каби маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилардан ташқари аҳолига сотаётганларга ҳам қўлланиладиган чораларни янада кучайтириш вақти етди деб ўйлаймиз. Яъни, яширин цех ташкил қилган ҳар қандай мақомдаги тадбиркорлик субъектини тугатиш баробарида улар билан шериклик қилган дўконлар фаолиятига ҳам чек қўйиш лозим. Акс ҳолда, фақат бу каби “захрикотил” ишлаб чиқарувчилар фош қилингани ва “чоралар кўрилгани” ҳақидаги кундалик хабарларга кўзимиз тушаверади. Бу ёқда унинг жабрдийдалари, қурбонлари сони ортаверади.

Рўзимбой ҲАСАН, “XXI asr” мухбири

ИДРОКНИНГ ОҒИШ НУҚТАСИ

Ўзлигингни англаш ила машғул бўл, зотан бошқа ишлар ўзгалардан ортмайди.

Мен дунёга келиб нима қилдим?..

Бу саволни одам ўзига қачон бериши керак? Ҳаётининг қай палласида: ўсмирликдами, ўрта ёш ёки кексаликдами? Кексаликда кеч бўлмайдими?

Кўпчилик бу саволдан муддао нима ўзи, дейиши мумкин. Яна бир тоифа бу саволдан не наф, пешонага ёзилгани бўлади-да, дейди тақдири азал ҳукмига ишора этиб. Ҳа, биз дарҳол мақсадга ўтмоқни истаймиз. Аслида, сарлавҳага чиқарилган сўроқ “Мен дунёга нима учун келдим?” деган саволдан бироз жўнроқ. Зотан дунёга келишимиз бизнинг ихтиёримиздан хорижда.

Кузатишларимга таяниб айтсам: шу вақтгача бу саволга бирданига, қатъий ишонч билан жавоб берган одамни учратмадим. Савол янграши билан эшитгувчи ҳушёр тортади, бироз тин олади, ўйга чўмади, орада ўнғайсиз сукунат пайдо бўлади. Назаримда, бир лаҳзада жавоб бергувчининг кўз олдидан бутун ҳаёти ўтади. Гўёки у дунёда бериладиган саволдек...

Тараддуд боиси не? Наҳот ўз ҳаётимизга дахлдор саволга жавоб қайтармоққа қийналсак?! Шартта-шартта жавоб бериш шунчалар мушкулми?

Аччиқ ҳақиқат шуки, биз ўзгаларнинг ҳаётини “тўғрилаш”га интиламиз, атрофимиздагиларнинг умр йўлига “таҳрир”лар киритамиз, доноларча маслаҳат берамиз, йўл-йўриқ кўрсатамиз. Ўзимизга келганда эса, нимагадир депсиниб қоламиз, тараддудга тушамиз. Ҳолбуки, бир мардумнинг ҳаёти бошқасига дастуриламал бўлолмаслиги кундек равшан.

“Дунёни ўзгартиришни истасанг, аввало ўзингни ўзгартир”, деган эди буюк қалб эгаси, ҳинд давлат арбоби Маҳатма Ганди. Назаримда, бояги саволга жавобнинг мушкуллиги – дунё биз ўйлагандан, китобларда ўқигандан, фильмларда кўргандан кўра мураккаблигида! Дунё бошқа, ўй-хаёл, мақсад-мўлжалларимиз бошқа, уларнинг йўли доим ҳам кесишмайди. Истагимиз борлиғимиз ила номутаносиб, қутблар ўзга-ўзга.

Қадим замонлардан буён дунё икки қутбга бўлинган: эзгулик ва ёвузлик. Қай томонда бўлиш инсон тафаккури, ақл-идрокининг оғиш нуқталарига боғлиқ. Теран фалсафий, назарий ёндашув бу. Таъкидлаганимиздек, ҳаёт бошқачароқ, илкимизга доим ҳам танлов эрки тутқазилмайди.

Инсоннинг тахайюли саркаш, уни турли томонларга итқитади. Бинобарин, ҳаётда ҳамма йиқилганлар ҳам турмоққа куч топа олмайди ва барини тақдир ҳукмига йўйиб қўяқолади. Дангалига кўчсак, кўпчилигимиз бу ёруғ дунёда нима қилаётганимизни англамаймиз, билмаймиз.

Камина учун саволнинг жавоби оддий: атрофдагиларга (табиат, одамлар) беэътибор, лоқайд бўлмаслик, ўзаро кўмакка интилиш, ҳар дақиқа меҳнат, ижод-ла банд бўлиш, сабр-қаноатнинг этагидан тутиш, мудом ишонч ва эътиқодга суяниш. Инсон бу дунёга келиб қиладиган кори хайр шу. Ҳарқалай, мен шундай деб биламан. Истаганингча яша, илло, ўзгага ёмонлик раво кўрма – ақидам шу. Машҳур қўшиқ сатрларини ёдга олсак: *“Бу дунёга келиб не қилдинг деса, // Одамга одамлик қилиб қўйдик биз...”* Яна билмадим, ҳар кимнинг ўз дунёси бор. “Яхшилик қорин тўйдирмайди”, деган моддиюнча қараш тарафдорлари бутун умр эзгулик қилиб яшаш мумкинлигига ишонмайди.

Бугун дунё ўзгармоқда. Катта авлод хотирасидаги дунё бизникидан афзалроқ туюлади. Олам ёмонлашмоқдами ёки одамзод?! Азалий савдо: ҳамма яхши, дунё ёмон! Ҳозирда курраи арзда манфаатпарастлик, “сиздан угина, биздан бугина” тарзидаги ёндашув устунлик қилмоқда. Аслида-ку, доим ҳам шундай, бу хил муносабат фақат ҳар бир даврда турлича намоён бўлади. Шундай даврда яхшиликдан сўз очиш айримларга ғалат ҳодисадек кўринади. Сизни энг камида ҳаётда омади келмаган файласуфга чиқаришади.

“Аслида нимага ишониш кераклигини ҳеч ким билмайди”, деган эди япон адиби Котаро Исака. Бу фикрда жон бордек, бироқ инончсиз яшашнинг ҳам иложи йўқ-да! Бошқа томондан эса, Дэн Браун таъбири билан айтганда, “Қанча кутсак ҳам, барибир биров келиб бизга қаҳва дамлаб бермайди”.

Ақллилик балоси

Русларда “безумие разума” деган ибора бор. Буни ўзбекчага “ақллилик балоси” деб ўгирса бўлади. Назаримда, бу нуқтада ахлоқ ва илм зиддияти мавжуд. Ҳаётда кўп учратганимиздек, ақлли, илмли одам доим ҳам юксак ахлоқ соҳиби бўлавермайди. Балки шунинг учун ҳам халқ “Олим бўлма, одам бўл”, дейди. Албатта, гап бу ерда “юксак маънавиятли шахс” ёки “етук инсон” тўғрисида кетмаяпти. Бу хусусда кўп ва хўб ёзилган. Шунга қарамай, бу мавзу ҳануз ўз долзарблигини йўқотмади. Бизнингча, доимий равишда етукликка даъво қилиш пировардида илоҳийлик иддаосини келтириб чиқаради. Оддийроқ бўлган маъқул.

Сўнгги вақтларда жамиятда башанг кийинган, қўш дипломли, лекин одоб-ахлоқдан йироқ мизантроплар (сода қилиб айтганда, одамларга паст назар билан қарайдиган, ахлоқий меъёр ва қадриятларни тан олмайдиган тоифа) гуруҳи шаклланаётир. Улар ўзини ўта кибор тутади, оммадан қочишга интилади, одамлар билан мулоқотдан хавфсирайди, шахсий манфаат йўлида ҳеч нарсадан тоймайди. Бундайлар учун виждон, инсон шаъни ва қадр-қиммати анчайин китобий тушунчалар, холос.

Не тонгки, жамиятда ахлоқли инсонларга ўгай қараш кузатилмоқда. Янада ачинарлиси, аксар замондошларимизда мизантропларга ҳавасмандлик, уларни идеал деб билиш, умуман, ҳашамдор ҳаётга ҳарислик оммалашмоқда. Таассуфки, биз яшаётган дунёда алифни калтак дея олмасдан ҳам, ахлоқсизликни тарғиб қилиб ҳам машҳурлик ва тўкин-сочин ҳаётга эришиш мумкин бўлиб қолди. Наҳотки, бу ҳол аксар замондошларимизни чалғитаётир. Жамиятда билимли, зиёли ва хушахлоқ инсонларга нисбатан беписандликнинг пайдо бўлиши ҳам шундан.

Ўзим гувоҳ бўлган воқеа: бозорда бир харидор сотувчи билан зўр бериб савдолашаётган эди. “Бор барака” чўзилиб кетганидан таъби тирриқ бўлган сотувчи “Намунча савдолашмасангиз, ўқитувчимисиз?!” деди пичинг ва кесатиқ оҳангида. Бир сескандим, ичимда нимадир узилгандек бўлди. Аттангки, биз жуда кўп нарсани бой бердик, йўқотишлардан ҳали ҳам сабоқ чиқаргимиз йўқ. ***Муаллимлар, зиёлилар латифа қаҳрамонига айланаётганига жимгина рози бўлишимизни нима деб оқлаш мумкин?..***

Олий маълумотли киборлар ҳақидаги мулоҳазани давом эттирсак, яна талай саволлар туғилади. Хўш, бизга нима керак: дипломми ёки ахлоқ? Иккиси бир-бирини тўлдириши керак эмасми? Таълим ва тарбия орасидаги ришта узилдими; узвийлик, изчиллик йўқолдими? Нега ҳануз “фозил одамлар шаҳри”га эҳтиёжмандмиз? Ўзи қачонгача биз учун тарбия “ё ҳаёт, ё мамот масаласи” бўлиб қолади?

Саволлар бисёр, аммо қалбга қаноат ва қанот бахш этгувчи жавоблар қани?!



Гўё дунёда тобора “тафаккур қуёши ботиб бораётгандек”, “чинакам инсоний ҳаётни арзон кийим-кечак сотиладиган бозорда деб тасаввур қиладиган, маърифат аҳли устидан кулиб, уларни телба, овсар, эси паст деб атайдиган” (Нитше таъбири) оломон даври келаётгандек...

Алҳол, бугун одамзод чуқур тушкунликда, чорасиз аҳволда. Оғиримизни енгил қилмоғи лозим бўлган фан-техника ривожи акс таъсир қилди, инсоннинг қарамлигини кескин кучайтирди.

“Sapien Labs” ташкилоти экспертлари дунё аҳолисининг руҳий ҳолати бўйича 2023 йили ўтказган тадқиқот натижаларига кўра, 30 фоиз респондент кучли стрессни бошдан кечираётганини қайд этган. Социологик сўровларга асосланган тадқиқот 71 та мамлакатдаги 500 минг респондентни қамраган *(https://mentalstateoftheworld.report/)*.

Натижаларни баҳолашда руҳий саломатлик коэффициенти *(MHQ – Mental health quotient)* қўлланган бўлиб, қуйидаги олти асосий мезонни ўз ичига олади: 1) инсон дунёқараши ва кайфияти; 2) ижтимоий ўз-ўзини баҳолаш; 3) интилиш ва ҳаракатга ундовчи омилларнинг мавжудлиги; 4) ақл, тафаккур ва жисмоний саломатлик уйғунлиги; 5) билиш / англаш кўникмалари; 6) мослашувчанлик ва бардошлилик.

Тушкунлик ва стресс 35 ёшгача бўлган аҳоли вакилларида кўпроқ кузатилаётгани аниқланган. Мутахассислар бунга смартфонлардан кичик ёшдан ва меъёрдан зиёд фойдаланиш, фаст-фуд ва ярим тайёр маҳсулотларга ружу қўйиш ҳамда оила институти ролининг пасайишини сабаб қилиб кўрсатган.

Дунё бўйича руҳий саломатлик коэффициенти ўртача 65 деб баҳоланган. Демак, руҳий ҳолат “назорат остида”. Ўзбекистонда эса мазкур кўрсаткич 48 га тенг. Бу мамлакатимизда тушкунлик аломатлари мавжудлигидан далолат беради. Ўзбекистонга оид кўрсаткичлар қуйидаги кўринишда: 1) инсон дунёқараши ва кайфияти – 48; 2) ижтимоий ўз-ўзини баҳолаш – 47; 3) интилиш ва ҳаракатга ундовчи омилларнинг мавжудлиги – 73; 4) ақл, тафаккур ва жисмоний саломатлик уйғунлиги – 58; 5) билиш / англаш кўникмалари – 65; 6) мослашувчанлик ва бардошлилик – 74.

Одамзод мудом табиат бағрига, кенглик, эркинликка интилади, дунёларни қучгиси келади. Табиийки, руҳият эркинлиги фикр эркинлигига доялик қилади. Атоқли рус адиби Фёдор Достоевский ёзганидек, “Тангу тор жойда ҳатто фикрлар ҳам тораяди”. Бизнингча, шу боис ҳам аксар жамиятлардаги одамлар асабий, тажовузкор, жоҳилликка мойил, ҳашаматга ўч. Наҳот дунё ақлли одамларга тўйинган-у, Нитшенинг телбасига муҳтож бўлса?!

Суқрот замонидан мерос жумбоқ

Ёшлар мавзуси донишманд Суқрот замонидан буён муҳокама ва мунозаралар марказида. Дарҳақиқат, бу мавзу барча макон ва замонлар учун долзарб бўлиб қолаверади.

Бугунги кун ёшлари нима истайди? Қайси булоқдан сув ичяпти улар? Ўй-хаёл, қизиқиш, дунёқараши нимага асосланган? Эҳтиёж ва манфаатлари-чи?

Шу сира саволларга жавоб топсак, боя муҳокама қилганимиз “дунёда нима қилганимиз-у, қилишимиз кераклиги” ойдинлашади, келгуси авлод олдидаги мажбуриятимиз ҳам бирмунча енгиллашади. Ёшлар хусусида баландпарвоз чақириқ, шиор ва даъватлар билан чиқиш мумкин, лекин икки ўсмирга тўғри йўл кўрсата олмасак, бундан не наф!

Аввало, айтиш керакки, чаманзордаги турфа гуллар сингари ёшларнинг ҳар бири бетакрор ва ўзига хосдир. Шу боис уларни яхлит, ягона “қолип” асосида тарбиялаш, “комил инсон”га айлантиришга уринишдан тийилиш керак. Ёшларни шахс сифатида тарбиялашда катталар ибрат, намуна бўлиши лозим. Таҳлил ва кузатишлар шуни кўрсатадики, аксар ҳолларда ёшлар салафларининг хатти-ҳаракатини такрорлайди. Бошқача айтганда, ҳар бир давр ёшлари олдинги давр ёшларининг “маҳсули” ҳисобланади.

Жамиятдаги ўзгариш ва эврилишлар даставвал ёш авлодга ўз таъсирини ўтказади. Таҳлил қила олиш салоҳияти суст бўлгани боис ёшлар ўзгаришларни борича қабул қилади. Пировардида катта ва ёш авлод вакиллари ўртасида тушунмовчиликлар юзага келади. Бизнингча, бу ҳолатга катталарнинг муайян ўзгаришларни ёшларга тушунарли тарзда етказиб бера олмаслиги, кўпинча кенжа авлоднинг ҳаётий эҳтиёж ва манфаатлари рад этилиши сабаб бўлади. Охир-оқибат ёшлар янгиланиш, ўзгаришларни катталар истагандек ўзлаштиролмайди.

Катта авлод ёшларни доим ўз йўриғида юрғизишга уринади. Ўзимиз эришолмаган марраларни фарзандларимиз, невараларимиз забт этишини хоҳлаймиз. Аслида, бу хайрли ниятда ёмонлик йўқ, бироқ кўпинча орзу-истак кетидан чопиб, боланинг қизиқиш, укув, салоҳият ва интилишларини ҳисобга олмаймиз. Алҳол, аввал-бошда катталар изми билан бирор соҳани танлаб, 35-40 ёшида ўзи хоҳлаган касбга ўтиб кетганлар талайгина. Эҳтимол, ёшларни бир муддат ўз ҳолига қўйиш керакдир?..

Катта авлодга хос хусусиятлардан яна бири бу – ёш авлоднинг ўзига нисбатан дангаса эканини бот-бот таъкидлаш ва мудом ўзи билан солиштириш, муқояса этишдир. Мутахассисларнинг фикрича, бу ўринда асосий муаммо катта авлод вакилларининг замон ва макон ўзгаришларини ҳисобга олмаслиги ёки қабул қилмаслигида *(Куда пропал конфликт отцов и детей // https://www.vedomosti.ru/opinion/articles/2018/09/25/782022)*.

Замонавий ёшларга келсак, кенжа авлодда ҳамма нарсага тез ва бирданига эришиш ҳисси кучли. Бунинг илдизини замонавий ахборот технологияларининг шиддат билан ривожланаётгани, тенгдошлар ўртасидаги кучли рақобатдан қидириш керак. Демак, бу интилишни салбий ҳолат деб баҳолаш унчалик ҳам тўғри эмас. Айрим мутахассислар буни ҳатто “ютуқ стратегия”си деб ҳам баҳолайди *(Yusupov A. Youth is a strategic resource of Uzbek society // www.eureporter.co/world/uzbekistan/2021/10/11)*.

Сирасини айтганда, бугунги кун ёшларига қўйиладиган талаблар мутлақо янги. Шиддаткор давр тезқадам ўзгаришларга мослашиш, мунтазам билим, малака оширишни тақозо этмоқда.

Янги давр эврилишлари ёшларни ҳайрату ҳаяжонга солган бугунги кунда “бой берилган авлод” *(lost generation)* мавзуси яна кун тартибига қайтгандек. (Асли Америка адабиётига дахлдор бу истилоҳ болалиги Биринчи жаҳон уруши йилларига тўғри келган авлодга нисбатан қўлланган.) Замонавий дунёда бу атама барча соҳаларнинг изчил рақамлаштирилиши таъсирида ёш авлоднинг – катта авлод анъанавий тарзда муҳим деб билган адабиёт, илм-фан, меҳнат кабиларни устувор ҳисобламаслиги билан изоҳланади. Бу, ўз навбатида, оталар ва болалар зиддияти (социологик феномен), авлодлар тўқнашуви каби адабиёт ва илм-фаннинг бир неча асрлик мавзулари теграсида янги баҳс-мунозараларни туғдирмоқда. Аксар мутахассислар буни табиий жараён деб ҳисоблайди. Социолог олим Комил Калоновнинг ёзишича, “Авлодлар ўртасидаги ворисийлик ёки ихтилофларнинг вужудга келиши, биринчи навбатда, даврий ҳолат билан боғлиқ бўлиб, кўпинча авлодларнинг ўзаро тўқнашуви чоғида содир бўлади. Истиҳола қилган ҳолда, авлодлар ўртасида юзага келадиган тўқнашувларни инкор этсак, биз жамиятдаги долзарб социал муаммоларнинг биридан кўз юмган бўламиз” *(Каланов К. Авлодлар алмашинувининг социал муаммолари: “йўқотилган авлод” тўғрисидаги баҳс-мунозаралар ҳақида // “Ўзбекистонда хорижий тиллар” илмий-методик электрон журнали. №2 (21), 2018)*.

Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда 2 миллиардга яқин одам турли тўқнашувлар ва зўравонлик бўлаётган, беқарорлик ҳукм сураётган минтақаларда яшайди. Уларнинг учдан бир қисмидан зиёди 15–24 ёшлилардир. БМТ Бош котиби эса дунёда ҳар тўртинчи ўсмир зўравонлик ёки қуролли низолардан жабр кўраётганини маълум қилган. Бу рақамлар ёшлар масаласи нечоғли долзарб тус олаётганини тасдиқлайди. Тезкор дунёда “шошган авлод” ўсиб вояга етмоқда...

Кун кўриш эмас, яшаш керак

Хўш, биз қачон бой бўламиз? Бу ўринда бойлик деганда фаровон ва бахтли турмуш назарда тутилмоқда. Зотан, инсон мол-дунёга эга бўлатуриб, бахтсиз ва аксинча, катта бойликсиз ҳам ўзини саодатманд ҳис этиши мумкин. Бироқ бугун шундай қусурли одатлар пайдо бўлдики, инсонни ташвишли ўйларга толдиради.

Ҳозирда сайёрамиз бўйлаб 783 миллион киши доимий равишда оч – бу дунё аҳолисининг қарийб 10 фоизига тенг. Шундай шароитда Ер юзидаги истеъмолга яроқли озиқ-овқат маҳсулотларининг 17 фоизи чиқиндихонага улоқтирилмоқда *(Food Waste Index Report 2024 // www.unep.org/resources/publication)*.

БМТнинг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастури (UNEP) ҳисоботига кўра, курраи заминда яшаётган ҳар бир одам йилига ўртача 79 килограмм яроқсиз бўлиб қолган озиқ-овқат маҳсулотларини чиқиндихонага ташлайди. 2022 йилда чиқитга чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотларининг умумий ҳажми 1 миллиард 50 минг тоннани ташкил этган. Бу кунига миллионлаб порция овқатнинг баҳридан ўтилади дегани. Давлатлар кесимида таҳлил этилса, АҚШда йилига киши бошига ўртача 115 кг, Европада 65 кг, Россияда эса 56 кг озиқ-овқат маҳсулоти чиқиндига ташланади.

Озиқ-овқатнинг 60 фоизи якка тартибдаги истеъмолчилар ва уй хўжаликлари томонидан исроф қилиниши аниқланган. Қолган 28 фоизи умумий овқатланиш муассасалари ҳиссасига тўғри келса, 12 фоизи эса талаб йўқлиги туфайли дўкон пештахталарида қолиб кетган ва муддати ўтган маҳсулотлардир.

Масаланинг қизиқ томони шундаки, озиқ-овқат маҳсулотларининг “ортиб қолиши” нафақат бадавлат мамлакатлар, балки ривожланаётган давлатларда ҳам кузатилаётир. Мутахассисларнинг фикрича, бу иссиқ иқлимли мамлакатларда кўпроқ хос. Табиийки, ҳарорат юқори шароитда маҳсулотларни сақлаб туриш бироз мушкул ва янги маҳсулотларга талаб катта.

Озиқ-овқат чиқиндилари ҳажмининг ортиб бориши атроф-муҳитга жиддий зарар етказаётгани урғуланади. Жумладан, атмосферага чиқарилаётган йиллик парник газларининг 8–10 фоизи чириётган озиқ-овқат маҳсулотларига тегишли. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, озиқ-овқат маҳсулотларининг чиқиндихонага ташланишидан жаҳон иқтисодиёти тахминан 1 триллион доллар зарар кўрмоқда.

Ўзбекистонда ҳам камбағалликка қарши курашиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилаётганини эътироф этиш лозим. Бунинг натижаси ўлароқ қисқа муддатда камбағаллик даражаси пасайгани кузатилди. 2021 йили ушбу кўрсаткич 17 фоизни ташкил этган бўлса, 2023 йил якунида 11 фоизга тушган *(Узбекистан на пути к искоренению бедности: выводы международных сопоставлений // blogs.worldbank.org)*.

Масаланинг нозик жиҳатига эътибор қаратмоқчимиз. Аҳоли орасида фақирона турмуш тарзига рози бўлганлар ҳам учрайди. Улар ҳаётини ижобий томонга ўзгартиришдан ҳадиксирайди, гўё борини ҳам йўқотиб қўйишдан қўрқади. “Қора қозон қайнаб турибди”, “Оч қорним – тинч қулоғим” каби иборалар уларга хос. Ачинарлиси, бир неча авлод шу тахлит вояга етмоқда... Бундай фикрлаш камбағалликдан қашшоқлик сари етаклаши ҳеч гап эмас. Зеро, камбағаллик бизнинг хатти-ҳаракатларимиз, аввало, тафаккуримизнинг инъикосидир. Демак, камбағаллик якуний ҳукм ҳам эмас.

Бошқа тарафдан эса, нонни ҳамиша эъзозлаб кўзига суртган халқимиз орасида ҳам исрофгарлик иллати пайдо бўлди. Маълумотларга кўра, биргина Тошкент шаҳрида ҳар куни 3 тонна нон чиқиндихонага ташланар экан. Мамлакат миқёсида ушбу рақамни тасаввур қилишнинг ўзи даҳшат! Шу ўринда атоқли муҳаррир Маҳмуд Саъдийнинг “Кун кўриш эмас, яшаш керак” деган фикри ёдга келади.

Беармон гапирилган яна бир мавзу бу – ўзбекона тўй, аза ва бошқа маросимлар. Назаримда, халқни “камбағалликка элтувчи йўл”лардан бири – тўй. Парадоксал ҳолат: бир томондан, турмуш муштини дўлайтиряпти, яшаш қийинлашяпти; бошқа томондан, одамлар тўйларда янгича одатлар ўйлаб топиш борасида мусобақа қилаётгандек. Пандемия даврида тўйларни ихчамлаштириш, жумладан, сарф-харажатларни қисқартириш, 500 эмас, 200-250 кишини таклиф қилиш, ортиқча дабдабага йўл қўймаслик бўйича қарор қабул қилинди. Натижа нима бўлди дерсиз. “Орзу-ҳавасли” оилалар “Уят бўлади, халқнинг ошини еганмиз”, дея зиёфатни икки қисмга бўлиб, кунлаб тўй қилди. Ачинарлиси, бироз муддатдан сўнг тўй учун олинган қарзларни тўлаш учун ҳали чилласи чиқмаган куёв яна хорижга ишлагани кетади...

Умр шундай ўтмоқда: тўйдан тўйгача, қарздан қарзгача.

Сўзимиз бошида муҳокама қилганимиз “Мен дунёга келиб нима қилдим?” деган саволга жавоб бермоқнинг қийинлиги сабабларидан бири ҳам шу одат, шу иллатда.

Дарвоқе, кейинги йилларда ўзига тўқ боқимандалар гуруҳи ҳам пайдо бўлмоқдаки, улар камбағалларга аталган рағбатларни ҳам ўзиники қилиб олишга интилмоқда. Назаримизда, ҳар иккала тоифада тафаккур ноқислиги, кемтиклиги манаман деб турибди. Биринчисида у қўрқув, ҳадик ортига яширинган бўлса, иккинчисида нафс қутқусига ботган.

Ваҳоланки, Ер юзида камбағал оилада вояга етса-да, улкан натижаларга эришган, ўзини ўзи кашф этган, иқтидор ва салоҳиятини рўёбга чиқара олган минглаб инсонлар бор. Бунга тарихда ҳам мисоллар бисёр. Демак, камбағалликдан қутулиш йўлидаги ҳаракатлар, энг аввало, тафаккурни ўзгартиришдан бошланмоғи даркор.

Аброр ЮСУПОВ,
сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Манба: “Tafakkur” журнали, 2024 йил 3-сон.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси жамоаси моҳир педагог, тарих фанлари доктори, профессор
Сулаймон ИНОЯТОВнинг
вафоти муносабати билан оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

MUASSIS: **TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI**

O‘ZLIDEP IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

XXI asr

Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир ҳайъати:

Актам ХАИТОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Мавлуда ХЎЖАЕВА, Сирожиддин САЙИИД, Дилшод ШОУМАРОВ, Равшан МАМУТОВ, Нодир ЖУМАЕВ, Мадина БАРОТОВА, Шуҳрат АСЛОНОВ

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@umail.uz
xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:
қабулхона – 71 215-63-80 (тел./факс).
Обуна ва реклама бўлими – 71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил 14 июнда 0009-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ.
Буюртма рақами: Г – 1145
Адади: 4378
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 20:50

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI asr”дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов

ISSN 2181-497X

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Фаррух ЖАББОРОВ